O‘ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№2 (655) 2023 йил 13 январь, жума
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 январь куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди раислигида онлайн шаклда ўтказилган “Глобал Жануб овози” саммити ялпи мажлисида нутқ сўзлади.**

Ҳиндистоннинг “Катта йигирматалик”ка (G20) раислиги доирасида ташкил этилган тадбирда Вьетнам Республикаси Президенти Нгуен Суан Фук, Гайана Республикаси Президенти Муҳаммад Ирфон Али, Мозамбик Республикаси Президенти Филипе Ньюси, Сенегал Республикаси Президенти Маки Салл, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Шайх Хасина, Мўғулистон Бош вазири Лувсаннамсрайн Оюун-Эрдэнэ, Таиланд Қироллиги Бош вазири Праютт Чан Оча, Камбоджа Қироллиги Бош вазири Хун Сен ва Папуа – Янги Гвинея Мустақил Давлати Бош вазири Жеймс Марапе қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, инсон манфаатларига йўналтирилган барқарор ривожланиш масалалари муҳокама қилинди, ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини илгари суриш ва долзарб муаммоларини ҳал қилиш мақсадида, шу жумладан, иқтисодиёт, экология, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш, инновациялар, туризм ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр ва аниқ таклифлар алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бугунги халқаро вазиятда кузатилаётган долзарб тенденцияларга баҳо бериб, ривожланаётган мамлакатлар олдида турган асосий устувор вазифалар борасида фикр билдирди.

– Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти турли қарама-қаршилик ва зиддиятларнинг кескинлашуви, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларига дуч келмоқда. Биз халқаро муносабатларда очиқ мулоқот ва ўзаро ишончнинг тобора камайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон етакчиси қайд этганидек, коронавирус пандемияси, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги масалалари ҳамда экологик муаммолар глобал тараққиётнинг истиқболларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳиндистоннинг ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва самарали алоқаларни мустаҳкамлашдаги фаол ўрни ва роли алоҳида таъкидланди.

Шу маънода, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ва халқларимизнинг умумий манфаатларига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Президентимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотларнинг марказида инсон манфаатларини таъминлаш энг улуғ мақсад ва вазифа этиб белгиланганини алоҳида таъкидлади.

– Тараққиёт стратегиямизнинг асосий мазмуни – қонун устуворлиги ва инсон капиталини ривожлантириш, адолатли ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Биз ўз олдимизга яқин келажакда инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатда камбағалликни икки баробарга қисқартириш каби катта режани қўйганмиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистоннинг G20га раислигини қўллаб-қувватлаб, кун тартибидаги масалалар юзасидан қатор амалий таклифларни илгари сурди.

Энг аввало, бугунги кунда мавжуд халқаро савдо тизимини “Глобал Жануб овози”ни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш таклиф қилинди.

Асосий бозорларга чиқишда ҳамон турли тўсиқ ва чекловларга дуч келаётган ривожланаётган мамлакатларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратилиши лозим.

Ривожланаётган давлатларнинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, глобал логистика ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш, инвестиция ва энг замонавий технологияларни жалб этишда кўмаклашиш масалалари жаҳон саммити кун тартибидан ўрин олиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Яна бир стратегик масала – “Шимол-Жануб” халқаро йўлаги доирасида Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган, Афғонистон орқали Ҳинд океанига чиқадиган темир йўлни қуриш лойиҳасини фаол илгари суриш. Ўзбекистон етакчиси ҳамкорларни ушбу муҳим лойиҳада иштирок этишга чақирди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “яшил” иқтисодиётга ўтиш шароитида тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги катта технологик фарқ ўсиб бормоқда. Шу муносабат билан жаҳоннинг етакчи давлатлари кўмагида “Глобал Жануб” учун “яшил” технология ва инновациялар ахборот банкини яратиш таклиф қилинди.

Навбатдаги долзарб масала инсон капиталини ривожлантириш ва профессионал таълим сифатини ошириш экани кўрсатиб ўтилди.

– Иқтидорли ёшларимизни иқлим ўзгариши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, муқобил энергетика, рақамлаштириш ва бошқа устувор соҳалардаги миллий ва халқаро дастурларни ишлаб чиқишга кенг жалб этишимиз керак, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, “Жануб ёшлари овози” доимий мулоқот платформасини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Глобал миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон илгари сураётган Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро мулоқот гуруҳини шакллантириш таклифини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Онлайн-саммитда билдирилган таклиф ва ташаббуслар ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини илгари суришга, инсон манфаатига йўналтирилган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти дўст Ҳиндистон халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам – Республика куни билан самимий табриклади.

**ЎзА.**

**14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**



# Ҳарбийлар байрамни янги уйда нишонлайди

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Самарқанд шаҳрининг Қорасув массивида бунёд этилган кўп қаватли уйлардан 90 та хонадон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларига тантанали равишда топширилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов, Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, сектор раҳбарлари иштирок этди. Вилоят ҳокими хонадон соҳибларини табриклаб, мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлаш, миллий армиямизнинг салоҳиятини ҳар томонлама ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритди. Айни жараёнда энг аввало, Ватан ҳимоячиларининг оилавий шароитини яхшилаш, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш уларнинг вазифасига масъулият билан ёндашишининг асосий мезонларидан бири эканлигини қайд этди.

Самарқанд гарнизонидаги 13060-ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи ўринбосари, катта лейтенант Муҳаммаджон Қамбаров ҳам ҳарбийлар учун бунёд этилган хонадонлардан бирининг соҳиби бўлди. Шу боис унинг хонадонида бугун яқинлари жам бўлган.

– Набирамнинг қувончига шерик бўлиш насиб этганига беадад шукр, – деди Муҳаммаджоннинг 79 ёшли бобоси Қамбар Ғуломалиев. – Икки ўғлим ҳарбийликни касб қилиб, Ватанимиз ҳимоячиси бўлди. Бугун набираларим ҳам ушбу шарафли вазифани бажараётганидан фахрланаман. Вилоят ҳокими ва бошқа раҳбарларнинг ташрифидан бошимиз кўкка етди. Мен ишонаман, набирам ҳам отаси, амакилари йўлидан бориб, Ватан ҳимоячиси деган масъулиятли вазифани шараф билан бажариб, давлатимиз раҳбари, халқимиз ишончини оқлайди.

– Ўн тўққиз йилдан буён ҳарбий хизматдаман, – деди Ўзбекистон Қуролли Кучлари Кичик мутахассислар тайёрлаш маркази 1-взвод командирининг тарбиявий-мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Суҳроб Темиров ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасановга. – Уч нафар фарзандим бор. Ўтган давр мобайнида юртимизнинг тўрт ҳудудида хизмат қилишга тўғри келди. Оилам ҳам мен билан бирга ҳали у жойда, ҳали бу жойда. Тўғриси, бундан фарзандларим ҳам қийналиб кетганди. Бугун биз ҳам доимий яшаш жойимизга, ўз ватанимизга эга бўлдик. Энди оиламдан кўнглим тўқ, бор эътиборимни хизмат вазифамга қаратаман ва менга билдирилган ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Ушбу янги хонадонлар ҳарбийларга имтиёзли ипотека кредити асосида берилган бўлиб, бошланғич тўлов суммаси Мудофаа вазирлиги томонидан тўланган. Муддати 20 йилгача бўлган кредитнинг дастлабки уч йилида ҳарбийлар 7 фоиздан, кейин қайта молиялаш ставкаси бўйича тўловларни амалга оширади.

▶ 4-бет



# АЁЗЛИ КУНЛАР АВЖИДА

## уни беталафот ўтказиш учун барча чоралар кўрилмоқда

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Айни пайтда кумуш қишнинг асл зийнати бўлмиш оппоқ қор билан қопланган пойтахтимиз ўз гўзаллигининг яна бир қиррасини намоён этмоқда. Оғирлигини кўтаролмай шохлари ергача эгилиб турган дов-дарахтлар, тарновларда қотиб қолган сумалакларнинг ғаройиб шаклларию оёғимиз остида “ғарч-ғурч” қилиб садо бераётган қор товуши... Бу гўзал манзара юртдошларимиз учун қанчалик ажойиб туюлмасин, аммо кишилар саломатлиги ва хавфсизлиги биринчи ўринда турувчи долзарб масаладир.**

Юртимизга Волгабўйи ҳудудларидан Россия ва Европанинг шимолий қисмларида шаклланган совуқ ҳаво массаси кириб келиши оқибатида одатдагидан фарқли равишда кучли совуққа гувоҳ бўлиб турибмиз. Кўп миқдорда ёққан қор эса юртдошларимиздан янада эҳтиёткор бўлишни талаб қилмоқда.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№2 (655) 2023 йил 13 январь

# Аёзли кунлар авжида

## уни беталафот ўтказиш учун барча чоралар кўрилмоқда

◀ 1-бет

Жорий йилнинг 9 январидан бошлаб республикамизда ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши кузатилиши муносабати билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари ҳамда тегишли мутасаддилар иштирокида тезкор ишчи гуруҳ ташкил этилиб, кўп хонадонли уйларда иссиқлик, ичимлик суви таъминоти, бошқарув ташкилотлари фаолияти юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Мақсад – турар жой биноларида истиқомат қилаётган аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ва аномал совуқ кунларининг беталафот ўтиши юзасидан бор кучни сафарбар этган ҳолда максимал чора-тадбирлар кўрилишига эришиш.

Мутасаддилар ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши муносабати билан фуқаролардан хавфсизлик чораларини янада оширишни сўрамоқда. Хусусан, бино ва кўп квартирали уйларнинг кириш йўлакларидан чиқишда музламалар мавжудлиги, шунингдек, уйларнинг том ва кириш йўлакларида ҳосил бўлаётган муз бўлаклари (сумалаклар) хавфини инобатга олиб, ҳушёрликни ошириш ва эҳтиёт бўлиш, дарахт шохлари ёхуд улардан тушадиган қор уюмларидан транспорт воситаларини эҳтиёт қилиш мақсадида уларни махсус тўхташ учун ажратилган бўш жойларда қолдириш, кўп квартирали уйларнинг йўлакларидан кириш ва чиқишда ортиқча иссиқлик йўқотилишининг олдини олиш учун эшикларни ёпиб юриш, аҳоли турар жойларига кираётганда автоулов тезлигини пасайтириш ва транспортлар орасидаги масофани сақлаш, кечки ва тунги вақтда сабабсиз ташқарига чиқмаслик, жамоат транспортидан фойдаланиш, фавқулодда вазиятлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида газ плиталарини тунги вақтда ёниқ ҳолатда қолдирмаслик кабилар шулар жумласидандир.

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширишда айниқса, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан кенг ҳажмдаги ишлар бажариляпти. Хусусан, бошқарувчи ташкилотлар ходимларини кенг жалб қилган ҳолда кўп квартирали уйларнинг кириш йўлаклари ҳамда уларга туташ ҳудудларни қор ва муздан тозалаш, муз бўлаклари ва йиқилган дарахт ҳамда кўчатларни олиб ташлаш жараёнлари тезкорлик билан кечаю кундуз амалга оширилмоқда.

Бу тадбирларни бажариш учун республикадаги барча бошқарув компаниялари томонидан ишчи-ходимлар жалб қилиниб, кўп квартирали уйларнинг кириш йўлаклари қордан тозаланиб, қум-туз аралашмаси сепилмоқда. Бу ишлар ҳудудларда ҳам жадаллик билан олиб бориляпти.



Жумладан, ҳозирга қадар берилган маълумотларга кўра, Жиззах вилоятида бошқарув органлари томонидан бу ишларга 191 ишчи-ходим жалб қилиниб, кўп квартирали уйларнинг 613 та кириш йўлаклари қордан тозаланиб, 3 123 квадрат метр майдонга қум-туз аралашмаси сепилди. Кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудида қор ёғиши натижасида 11 та манзарали дарахтнинг синиши кузатилган. Навоий вилоятида бошқарув органлари томонидан 485 нафар ишчи-ходим жалб қилиниб, кўп квартирали уйларнинг 3 880 та кириш йўлаклари қордан тозаланиб, 62 080 квадрат метр майдонга қум-туз аралашмаси сепилди. Бухоро вилоятида бошқарув органларининг 315 ишчи-ходими томонидан кўп квартирали уйларнинг 6 599 та кириш йўлаклари қордан тозаланди. Қашқадарё вилоятида 364 та ишчи-ходимлар кўп квартирали уйларнинг 4 293 та кириш йўлакларини қордан тозалашди ҳамда 3 535 квадрат метр майдонга қум-туз аралашмаси сепилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилган.





Шунингдек, Самарқанд вилоятида бошқарув органлари томонидан 477 нафар ишчи-ходимлар жалб қилиниб, кўп квартирали уйларнинг 7 032 та кириш йўлаклари қордан тозаланди ҳамда 16 521 квадрат метр майдонга қум-туз аралашмаси сепилди. Бу чора-тадбирлар Сирдарё вилоятида ҳам амалга оширилиб, 361 ишчи кўп квартирали уйларнинг 1 083 та кириш йўлакларини қордан тозалашди ҳамда 16 938 квадрат метр майдонга қум-туз аралашмаси сепилди. Сурхондарё вилоятида бошқарув органлари томонидан 48 ишчи-ходим кўп квартирали уйларнинг 575 та кириш йўлакларини қордан тозалаб, 1 665 квадрат метр майдонга қум-туз аралашмасини сепишди. Кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудида қор ёғиши натижасида 3 та манзарали дарахтнинг синиши кузатилган. Тошкент вилоятида эса 282 та ишчи-ходимлар жалб қилиниб, кўп квартирали уйларнинг 5 464 та кириш йўлаклари қордан тозаланиб, 191 240 квадрат метр майдонга қум-туз аралашмаси сепилди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бошқарув органлари томонидан 2 486 ишчи-ходим жалб қилиниб, кўп квартирали уйларнинг 10 300 та кириш йўлаклари қордан тозаланди. 123 603 квадрат метр майдонга қум-туз аралашмаси сепилди. Кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудида қор ёғиши натижаси 688 та манзарали, 57 та мевали дарахтларнинг синиши кузатилган. Кўп қаватли уйлар атрофини хавфсизлаштиришга махсус техникалар ҳам жалб этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида қор тозалаш ишларига 200 дан ортиқ техника – қор тозалаш машиналари (60 дона), цилиндрсимон чўтка ва роликлар билан жиҳозланган самосваллар (80 дона), кўчаларни қум-туз аралашмаси билан тозалаш ва сепиш учун махсус автомашиналар (53), аралашма юклагичлар (10 дан ортиқ) жалб қилинган. Аёзли кунларда туман ободонлаштириш бўлимларининг 4000 дан 6000 нафаргача ходимлари йўлакларни тозаламоқда. Музлаган юзаларда сирпаниб кетмаслик ва уни эритиш учун қум ва туз аралашмаси ишлатиляпти.

Кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари ходимлари кун-у тун аҳоли хавфсизлиги учун меҳнат қилмоқда. Кунни кун, тунни тун демай тер тўкаётган ходимлар хизматини қадрлаб, уларга имкон қадар ёрдам бериш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Кимдир бир пиёла иссиқ чой, кимдир егулик, яна кимдир эса ҳориган ишчиларга ёрдам қўлини чўзган ана шундай мураккаб вазиятда ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва бирдамлик каби фазилатлар янада кўпроқ намоён бўлмоқда, десак адашмаган бўламиз.

# Бошқармада қуёш панеллари ўрнатилди

**Ҳилола ИСМАТОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 ноябрь куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида барча корхона ва ташкилотларга қуёш панеллари ўрнатиш юзасидан берган топшириқлари юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳомийлиги асосида вилоят қурилиш бош бошқармаси биноси қуввати 15 киловатт А категория қурилмали қуёш панеллари билан жиҳозланди.**

Яқинда ўтказилган электрон харидлар натижаси бўйича “Solar energy Navoiy” МЧЖ билан умумий қиймати 180 миллион сўмлик шартнома тузилиб, қисқа вақт ичида ўрнатилган ушбу қурилманинг ишга туширилгани, йилига 180 000 кВт электр энергияси тежалишига асос бўлади.

Вилоятдаги корхона ва ташкилотлар, аҳоли хонадонлари, янгидан тикланган бино ва иншоотларда муқобил энергия манбаларини ўрнатиш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, қуёш панеллари ва қуёш сув иситгичларини ўрнатганда фуқаролар учун ҳеч қандай қўшимча солиқ ёки тўловлар мавжуд эмас. Ушбу энергосамарадор қурилмаларни ўрнатиш ҳисобига хонадонни текин ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имкони яратилади. Аҳоли ўз хонадонига ўрнатган қуёш панеллар орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда эҳтиёждан ортган қисмини ҳудудий электр тармоқлари корхонасига сотиш имкониятига эга.

# Stipendiya sovrindorlari taqdirlandi



**Alisher TOSHXO’JAYEV,**
TAQU Bino va inshootlar qurilishi fakulteti kafedra mudiri.

**Toshkent arxitektura-qurilish universitetining bir guruh talaba-yoshlari “O‘zbekgidroenergo” AJning stipendiyasi bilan taqdirlandilar. Bu talabalar uchun yil sarhisobi va yangi yildagi rejalari uchun ulkan motivatsiya bo‘ldi.**

Ushbu stipendiya O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 20-apreldagi “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2017-yil 24-maydagi “Qishloq va suv xo‘jaligi tarmoqlari uchun muhandis-texnik kadrlar tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlari, hamkor oliy ta’lim muassasalari bilan ikki tomonlama shartnomalar hamda “yo‘l xaritalari”ga binoan ta’sis etilgan.

TAQU Ilmiy kengashi tomonidan “O‘zbekgidroenergo” aksiyadorlik jamiyatining nomdor stipendiyasini olishga tavsiya etilgan iqtidorli talabalar nomzodlarini ko‘rib chiqish va tavsiya etish jarayonlari o‘rnatilgan tartibda tashkil qilindi. “O‘zbekgidroenergo” AJning nomdor stipendiyasiga tanlov jarayonlari ochiqlik, oshkoralik va shaffoflik tamoyillari asosida o‘tkazilib, komissiya yig‘ilishida sovrindorlar aniqlandi.

Sovrindor talabalarni taqdirlash marosimida so‘zga chiqqan “O‘zbekgidroenergo” AJ Kadrlar boshqarmasi boshlig‘i Inoyat Sunnatov malakali kadrlarni tayyorlash jarayonini qo‘llab-quvvatlash, xususan, iqtidorli talabalarni ijtimoiy rag‘batlantirishga doir amalga oshirilayotgan ishlar haqida ma’lumot berdi.

Tanlovda g‘olib deb topilgan iqtidorli talabalarga Jamiyatning maxsus guvohnomasi hamda plastik kartochkalari tantanali ravishda topshirildi.

O‘z navbatida, stipendiya sovrindorlari ham minnatdorchiligini izhor etib, kelgusida o‘zlariga bildirilgan yuksak ishonchni oqlashga, malakali va kuchli bilimga ega mutaxassis bo‘lib yetishishga, jonajon O‘zbekistonimizga munosib kadrlar sifatida xizmat qilishga va’da berishdi.

# “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси

## қурилишда сифат ва шаффофликни таъминлайди

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хабарингиз бор, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан капитал қурилишда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланган. Бугунги кунда “Йўл харитаси”да белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлаш, қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида шаффофликни таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 71-сонли қарор қабул қилинди. Қарор талаблари асосида барча турдаги бўш турган ер участкаларини аниқлаш ва доимий равишда “ЕРЭЛЕКТРОН” ААТга жойлаб бориш тартиби йўлга қўйилди.

Шунингдек, капитал қурилиш соҳасидаги лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби такомиллаштирилиши натижасида баҳолаш мезонлари 60 та кўрсаткичдан 39 тага камайтирилиб, ташкилотлар ихтисослашуви бўйича тоифаларга бўлинган ҳолда соҳавий йўналишлари бўйича баҳолаш тизимига ўтилди. Қонунчиликка қурилиш ташкилотларига категорияларни бериш муддатини аниқ белгилаш, тендер кўрсаткичларини баҳолаш вақтида категорияларни янгидан белгиланишига чеклов ўрнатиш ҳамда қурилиш ташкилотларининг рейтинг баҳолаш мезонларини очиқлик, шаффофлик, рақобат, холислик ҳамда асослилик тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ янги нормалар киритилди.

Бундан ташқари, Лойиҳа-қидирув ташкилотлари электрон рейтингини юритиш тизими жорий қилинди ва бугунги кунда ушбу рейтинг тизимига 1 385 та лойиҳа ташкилотлари киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 699-сонли қарори билан тасдиқланган “Лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш мезонлари”га қўшимча ва ўзгартириш киритиш орқали рейтингни ҳисоблаш бўйича ишончли маълумот олиш, рейтинг кўрсаткичлари шаклланишида фойдаланиладиган маълумотлар ҳаққонийлиги ва шаффофлигини таъминлашга ва коррупция омилларини минималлаштирилишига эришилди.

Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш шаффоф электрон тизимга ўтди, экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Хусусан, 2022 йилда жами 26 706 та объект лойиҳаси ушбу тизим орқали экспертизадан ўтказилиб, натижада мазкур объектлар бўйича 6,7 трлн сўм маблағ тежаб қолинди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида “Экспертиза хулосаларининг ягона реестри” яратилиб, барча объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари ва экспертиза хулосалари электрон базаси шакллантирилиб борилмоқда.

Экспертиза йўналишида фаолият олиб борувчи юридик шахсларга гувоҳнома бериш орқали тизимда рақобат муҳити яратилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Объектларнинг мураккаблик тоифасидан келиб чиқиб, экспертиза хулосаси бериш тизими табақалаштирилди. Табақалашган тоифадаги лойиҳаларга хулоса бериш учун экспертиза ташкилотлари электрон рейтинги йўлга қўйилди.

Қолаверса, эндиликда шаҳарсозлик фаолиятини лицензиялаш ҳам электрон тизим асосида амалга оширилмоқда. Яъни, вазирликка келмасдан лицензия олиш имкони яратилди. Бу эса коррупция омилларини кескин чеклади. Жорий йил мобайнида шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш учун 503 та ҳамда қурилишнинг айрим турларини амалга ошириш учун 283 та субъектга лицензия берилди.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали 2022 йил давомида ташкил этилган 11 714 та онлайн электрон тендер савдолари натижасида объектлар бўйича жами 1,05 трлн сўм тежаб қолинди. Лойиҳа-қидирув ташкилотларини электрон давлат харидлари платформасида танлаш тизими яратилган бўлиб, эндиликда давлат буджети ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича лойиҳа ташкилотлари ушбу тизим асосида электрон тендер орқали аниқланади.

Бундан ташқари, иш турлари, қурилиш материаллари, машина ва механизмлари кўрсаткичларининг ягона базасини ўзида ифода этувчи “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” ишлаб чиқилди. Мазкур классификатор 113 мингдан ортиқ номдаги ресурслардан (қурилиш материаллари, техникалар, иш турлари ва бошқа) иборат.

Шу ўринда қурилиш соҳасида давлат назорати такомиллаштирилгани ва назорат функциялари кучайтирилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Бунинг натижасида объектларда назорат ўрнатиш бўйича “Қурилиш назорати” миллий ахборот тизими жорий қилинди. Объектларда аниқланган барча камчиликларни фотосуратлари билан биргаликда тизимга онлайн равишда киритиб бориш йўлга қўйилиб, назорат жараёнлари автоматлаштирилди. Бугунги кунда ушбу тизим орқали 31 565 та объект назоратга олинди. Тизим ёрдамида ҳудудий инспекциялар томонидан 106 198 маротаба мониторинг ўтказилди. Унга кўра, қоидабузарларга 92 108 та ёзма кўрсатма берилди (пудратчига – 30 428 та, буюртмачига – 36 713 та, лойиҳа ташкилотларига – 24 967 та) ҳамда жиддий камчиликларга йўл қўйгани сабабли 5 663 та ҳолат бўйича жарималар қўлланилди (пудратчига – 1 361 та, буюртмачига – 3 566 та, лойиҳа ташкилотларига – 736 та). Шу билан бирга, 1 144 та объектда қурилиш-монтаж ишлари аниқланган камчиликларни бартараф этилгунга қадар тўхтатилган.

Булардан ташқари, фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш (фото ва видеоматериаллар кўринишида) ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи “Огоҳ фуқаро” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Мастер режаларни яратишда жамоатчилик таклиф ва фикрларини ўрганиб чиқувчи “Менинг маҳаллам” электрон платформаси ишга туширилди (mm.mc.uz). Қурилиш объектларини рўйхатга олишдан бошлаб, фойдаланишга қабул қилишгача бўлган барча жараёнларни рақамлаштирилган ягона тизим орқали мониторинг қилиш имконини берувчи “Мақсадли дастурлар мониторинги” электрон тизими ишлаб чиқилди (monitoring.mc.uz). Мазкур тизимда шаклланадиган маълумотлар ёрдамида қурилаётган объектлар “хавф гуруҳлари”га ажратган ҳолда таҳлил этиб борилмоқда.

Шу каби чора-тадбирлар натижасида Вазирлик коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқлик сертификатини қўлга киритди.

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад ҳам шу эди аслида – юртимизда барпо этилаётган барча турдаги қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли, талаб ва меъёрларга риоя қилган ҳолда бажариш. Демак, ўтган йилда бошланган бу лойиҳа янги йилда ҳам давом эттирилиб, яхши самара беришига умид қилиб қоламиз.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# Жорий йилдаги вазифалар муҳокама қилинди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида вазир ўринбосари Жалол Арашов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ташкил этилган Республика штаби аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди.**



Унда жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар муҳокама қилинди.

Хусусан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ, 1 161 та (янгидан бошланувчи 533 та, йилдан йилга ўтувчи 628 та) объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва ўз вақтида якунлаш вазифаси белгиланган. Шу муносабат билан икки ой муддатда жорий йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда танлов (тендер) ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, харид қилиш тартиб-таомилларини якунлаш ва танлов (тендер) ғолиблари билан пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўриш белгиланган.

Шунингдек, 2023 йил 15 февралга қадар Дастурнинг асосий параметрларини бажариш, жумладан, лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини чораклар кесимида тасдиқлаб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш, 2023 йил якунланадиган таълим муассасалари объектларини – 15 августга қадар, ичимлик ва оқава сув, иссиқлик таъминоти, соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассаса объектларини – 1 октябрга қадар, автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар, ирригация ва мелиорация



тизимлари объектларини 1 декабрга қадар фойдаланишга топшириш жараёнини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, 170 та мактабгача таълим ташкилотлари, 239 та умумтаълим мактаблари, 9 та ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, 79 та тиббиёт муассасалари, 14 та жисмоний тарбия ва спорт объектлари, 32 та олий таълим объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда ҳар бир объект учун ID рақамлар шакллантирилиб, объектларни лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишдан қурилиш ишларини якунлаб фойдаланишга қадар бўлган жараёнлар “Шаффоф қурилиш” МАТ орқали инсон омилисиз амалга оширилади ҳамда мониторинг қилиб борилади.



# ҚАНДАЙ БИНО ҚУРМОҚДАСИЗ, АНДИЖОНЛИК ҚУРУВЧИЛАР?

**Зиё СИРОЖ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда республикамизда нафақат шаҳарларда, балки чекка қишлоқларда ҳам бунёдкорлик жараёнларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу ҳам бўлса, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир. Зеро, барпо этилаётган янги иншоотлар юртимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётини ривожлантиришга хизмат қилади. Модомики, барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри, унинг манфаати учун экан, қурилиш соҳасида ҳам сон эмас, сифатга бўлган эътибор устуворлик қилмоғи даркор. Афсуски, жойларда бу борада айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқдаки, буни инкор этишнинг имкони йўқ. Шундай экан, қурилиш соҳасида амал қилиниши керак бўлган талабларга риоя этиш ҳар бир қурувчининг бурчидир.**

Соҳага оид талаблар давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 5 февралдаги “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарорида ҳам ўз ифодасини топган. Қарор ижросини таъминлаш доирасида жойларда объектларни назорат қилиш ишлари йўлга қўйилмоқда. Юзага келган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўриляпти. Мисол учун, Андижон вилоятида 2022 йил давомида мавжуд 1 673 та қурилиш объектида 6 минг 601 марта мониторинг ишлари ташкил этилди. Натижада, 4 954 та камчилик аниқланиб, шулардан 4 634 таси ўз вақтида бартараф этилди. Афсуски, 317 та ҳолатда қурилиш қатнашчиларига нисбатан ҳуқуқий жавобгарлик чораси қўлланилган бўлса, турли идораларга қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 74 та тақдимнома киритилди. Бу каби ҳолатлар турар жой биноларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

– Ўрганиш давомида маълум бўлдики, айрим ҳолларда қурувчилар томонидан белгиланган меъёрларга риоя этилмаётгани аниқланмоқда, – деди вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи Акромжон Мухторов. – Масалан, Марҳамат туманидаги “Гулистон” МФЙ ҳудудида “Абдували транс сервис” МЧЖ томонидан қад ростлаётган иккита 5 қаватли турар жой бинолари қурилишида ҳам айрим камчиликлар аниқланди. Юк кўтарувчи девор конструкциялари орасига тўр қўйишда лойиҳа талабларига риоя қилинмаган. Пойдеворнинг тупроқ билан туташган жойларидаги изоляциялар сифатсиз бажарилган.

Маълумотларда кўрсатилишича, камчиликлар Жалақудуқ туманидаги 5 та 5 қаватли турар жой бинолари қурилишида ҳам юзага келган. 1-, 2-, 3-, 4-уйларнинг том қисмидан тушган сув тарновлари пойдевордан қочирилмаган. 2-уйнинг 3-қаватидаги 13-, 14- ва 15-хонадонларнинг девори шўрланиб, таъмирталаб ҳолатга келиб қолган бўлсада, қайта таъмирланмаган.

Шунингдек, Қўрғонтепа туманидаги “Янги ҳаёт” МФЙ ҳудудида “Сапфир садаф сервис” МЧЖ томонидан 4 та 7 қаватли турар жой бинолари барпо этилмоқда. Мутахассислар томонидан ўтказилган назорат жараёнида 2-уйнинг 1-қаватида ва 3-уйнинг 2-қаватида ички сувоқ ишлари сифатли бажарилмаганлиги аниқланди. 2-уйда ички электромонтаж ишларида сифат меъёрларига амал қилинмаган. Юқори қаватлардаги балконга чиқиш жойлари ва лифт шахталарига вақтинчалик ҳимоя тўсиқлари ўрнатилмаган.

Кузатилган бу ҳолатлар тегишли идоралар томонидан аниқлангач, ўз вақтида чора кўрилиб, сифат меъёрлари таъминланишига эришилди. Бироқ, бизни бир савол ўйлантиради: қурилиш соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш учун қачонгача мутасаддиларнинг огоҳлантиришларини кутиш керак? Ҳар бир қурувчи ташкилот зиммасига юклатилган вазифани белгиланган тартибларга риоя этган ҳолда амалга оширса, бажарган ишини ўз виждони олдида сарҳисоб қилса, бу каби кўнгилсизликлар юзага келмас эди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, биз қураётган бинолар бизнинг асл ҳолимизга берилган баҳодир! Энди айтингчи, ҳурматли қурувчи, сиз қандай бино қурмоқдасиз?

# Муаммо ва камчиликлар бартараф этилмоқда

**Мамлакатимизда кузатилаётган совуқ ҳаво шароитида аҳолига иссиқлик энергиясини сифатли ва узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, қозонхона ҳамда иссиқлик тармоқларидаги юзага келиши мумкин бўлган носозликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш, қозонхоналар фаолияти ва иссиқлик энергияси етказиб берилаётган объектлардаги ҳолатни жойига чиққан ҳолда ўрганиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иссиқлик таъминоти бошқармаси ходимлари Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган иссиқлик таъминоти корхоналарида бўлишди.**

Масъуллар иссиқлик марказларида аниқланаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришмоқда.

Шунингдек, иссиқлик марказларида ташкил этилган диспетчерлик хизмати фаолияти ҳам кўздан кечирилмоқда. Барча қозонхоналарда авария-диспетчерлик хизматлари шай ҳолатга келтирилган. Мутахассислар қозонхоналарга уланган уйларнинг охирги нуқталаригача кириб, хонадонларнинг иссиқлигини текширмоқдалар.

# Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди

**Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасининг йил бошидаги умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Бошқарма бошлиғи Саид Тўхтаев раислигида ўтказилган йиғилишда бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, туман архитекторлари ва бош бошқарма ходимлари иштирок этишди.**

Ҳудуди 43 минг гектарни эгаллаган Тошкент шаҳрида айни пайтда 3 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Шу боис янгидан қурилаётган аҳоли турар жойлари, инфратузилма объектлари, офис ва бинолар, туристик мажмуаларни қуришда шаҳарсозлик меъёрларига мос ва монанд барпо этиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасида бўлиб ўтган Кенгаш йиғилишида ҳам айни пайтда қурилиши режалаштирилган ва фойдаланишга топширилиши мўлжалланган 60 га яқин лойиҳалар кўриб чиқилди.

# БСКлар фаолияти назоратда

**Қиш қишлигини кўрсатаётган бир паллада Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги БСКлар фаолиятини қатъий назоратга олмоқда. Махсус ташкил этилган ишчи гуруҳ ўз кузатувларини пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган Дилобод маҳалласида давом эттирди.**

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 31 та кўп хонадонли уйлар мавжуд бўлиб, уларга “Дўмбиробод сервис”, “Элрус”, “Қатортол сервис”, “Рафаэлло сервис” бошқарув компаниялари томонидан хизмат кўрсатилади. Мутасаддилар томонидан ишчи гуруҳ тақдим этган маълумотлар ўрганилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича БСК раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

ҚАШҚАДАРЁДАН ДАРАКЛАР

# Қурувчилар меҳнати эътироф этилди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Қарши тумани бўлими биносининг фойдаланишга топширилиши туман аҳли учун Янги йилнинг дастлабки кунларидаги муносиб совға бўлди.**

Анъанага мувофиқ, бинони таъмирлаш ишларида ташаббус кўрсатган қурувчилар меҳнати алоҳида эътироф этилди. “Асл иншоот инвест қурувчи” МЧЖ жамоаси томонидан 450 млн сўм маблағ эвазига бунёд этилган ушбу иншоотда нафақа олувчилар ва ногирон фуқаролар учун барча шароитлар яратилган.

# Болажонларга муносиб совға

**Косон туманида бир кунда иккита давлат боғчаси иш бошлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу туман вилоятда энг кўп давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига эга ҳудудлардан биридир.**

Обод маҳалласида “Обод қишлоқ” дастури асосида 3 миллиард 918 миллион сўм маблағ ҳисобига 120 ўринли 44-давлат мактабгача таълим ташкилоти қуриб, фойдаланишга топширилди. Янги бинода тарбияланувчилар учун зарур шароитлар муҳайё этилган.

Шунингдек, Арабхона маҳалласида ҳам 5 миллиард 868 миллион сўм маблағ ҳисобига 150 ўринли 45-давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, болажонлар ихтиёрига топширилди ва 30 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Яккабоғ туманининг “Уламжи” МФЙда ҳам 28-сонли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. 3 миллиард 675 миллион сўм ҳисобига қурилган мазкур таълим ташкилоти 120 ўринга мўлжалланган. “Сандал” МФЙда ишга тушган 31-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти эса 5 миллиард 850 миллион сўм эвазига ташкил этилди. Бундан ташқари, Совуқбулоқ қишлоғида ҳам 150 ўринли МТТ ишга туширилди.

## ТУЗАТИШ

**“O‘zbekiston bunyodkori” газетаси**нинг 2022 йил 30 декабрдаги 100 (653)-сонида чоп этилган **“Бухоронефтгазпармалаш” АЖ Коррупцияга қарши Ички назорат тузилмаси (Комплаенс хизмати) раҳбари лавозими**га танлов эълондаги Аризалар қабул қилиш ҳамда Дастлабки танлов ўтказиш санаси **“2022 йил” ўрнига “2023 йил”**, деб ўқилсин.

# *Туғилган кунингиз муборак бўлсин!*

## *Январь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган*

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Дилорам Сатимова,** Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Ёдгорбек Икрамов,**

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Конструкторлар бюроси бошлиғи **Достонжон Махмадиёров,**

“Тошгипрогор” АЖ 3-сонли архитектура-қурилиш сектори раҳбари (ГАП) **Татьяна Шкилева,** Қурилишларни тузиш ва мустаҳкамлаш бўлими лаборант ёрдамчиси **Фаррух Хамроқулов,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Хўжалик ишлари мудири **Убайдулло Джураев,** Бухоро тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Шамсиддин Музаффаров,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи **Бахтияр Каниязов,**

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳалаштириш ва пудрат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Илёс Ҳасанов,** Мирзаобод тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Абдураҳим Нажмиддинов,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси ҳисобчиси **Зуҳра Йўлдошева,**

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Ойбек Шарипов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# Ҳарбийлар байрамни янги уйда нишонлайди

◀ 1-бет

Байрам арафасида Гулистон шаҳридаги “Янги ҳаёт” массивида ҳам Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Тошкент ҳарбий округ қўмондонининг ўринбосари Бахтиёр Ўралбоев, вилоят мудофаа бошқармаси ҳарбий хизматчилари, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.





Тадбирда ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчилар ҳамда улар оила аъзоларини ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланиб, 30 нафар тинчлигимиз посбонига янги 2 ва 3 хонали хонадонлар калити топширилди.

Замонавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар шинам ва барча қулайликларга эга. Меҳмонхона, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналар давр талабига мос тарзда жиҳозланган.

– Йигирма йилдан буён Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидаги ҳарбий қисмларда садоқат билан хизмат қилиб, ҳозирда Сирдарё вилоятидаги ҳарбий қисмда хизматдаман, – деди майор Жаҳонгир Умаров ЎзА мухбири Шуҳрат Суяровга. – Оилам билан кўп йиллардан буён хизмат уйларида яшаб келдик. Камтарона хизматим эвазига бугун 3 хонали ўз уйимга эга бўлдим. Бундан нафақат мен, оилам, фарзандларим ҳам жуда хурсанд. Президентимиздан, ҳукуматимиздан миннатдорман. Ўз юртимга хизмат қилиб, қадр топганимдан кўнглим тоғдек кўтарилди.



# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқони

**Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 31 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб Урганч шаҳрида “Миллий армиямиз – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқонидир!” шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди.**

Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Шимолий-ғарбий ҳарбий округи қўмондонлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшлар, ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Жўрабек Раҳимов ва Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов сўзга чиқиб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Қуролли Кучларимиз учун етук малакали кадрлар тайёрлаш ва соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлигини яна мустаҳкамлаётгани хусусида тўхталди.

Фестивалда ҳарбий парад, замонавий қурол-аслаҳа ва техникалар кўргазмаси, ҳарбий оркестр ва ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Фестиваль доирасида ташкил этилган югуриш марафони, арқон тортиш, тош кўтариш, камондан ўқ отиш ва бошқа спорт мусобақалари ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

– 2016 йилдан бери ҳарбий хизматдаман, – деди кичик сержант Асилбек Нурмаматов ЎзА мухбири Аҳмаджон Шокировга. – 2019, 2020, 2021 йилларда Ўзбекистон қуролли кучлари ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказилган тош кўтариш мусобақаси, олтин марафон ва энг илғор разведка аълочиси мусобақаларида иштирок этдим ва ғолиб бўлдим. 2022 йилда “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Халқимиз, Президентимиз, ота-онамиз ва яқинларимизнинг ишончи бизга куч бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилиш маросимидаги нутқида Урганч шаҳрида буюк саркарда номи билан аталувчи ҳарбий йўналишдаги таълим муассасаси ташкил қилинишини таъкидлаган эди. Қисқа муддатда маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 300 ўринга мўлжалланган замонавий ўқув маскани бунёд этилди.

Муассасада 4 қаватли ўқув биноси, 300 ўринли ётоқхона, ошхона, маданият саройи, ҳарбий тайёргарлик машғулотлари учун жанговар тайёргарлик майдончалари, спорт мажмуаси, бошқа зарур қўшимча бинолар барпо этилган ва энг сўнгги русумдаги техник воситалар билан жиҳозланган.

Вилоят ҳокими ўқув муассаса қурилиши ва жиҳозланишини кўздан кечирди. Сўнг Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўмондонлиги раҳбарияти ҳамроҳлигида “Янгиариқ” умумқўшин полигонида ҳарбийлар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Ўтган йил ушбу дала-ўқув майдонида жойлашган 27 та ҳарбий ва ижтимоий объектда вилоят ҳарбий-маъмурий сектори молиявий кўмаги билан қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Хусусан, полигонда замонавий кўринишда 350 ўринли иккита ётоқхона, 20 та машғулот хонадан иборат бўлган иккита ўқув биноси, 300 ўринли ошхона, 150 кишига мўлжалланган алоҳида санитар тизим янгидан қурилди.

Шунингдек, 4 та бошқарув пункти, ёпиқ типдаги 6 та ёзги машғулот хонаси, ўқ отиш майдони, зирҳли транспортёрлардан отиш машқларини бажаришга мўлжалланган директриса, радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза, экстремал шароитда яшаб қолиш, муҳандислик, артиллерия, ҳаво ҳужумидан мудофаа, алоқачилар шаҳарчалари, армия биатлони йўлаклари, 24 та мураккаб тўсиқлардан иборат бўлган 1200 метрли разведкачилар тўсиқли йўлаги барпо этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмонан чиниқиши, турли спорт ўйинлари билан шуғулланиши учун мини-футбол стадиони, гимнастика шаҳарча, волейбол майдончасини ўз ичига олган очиқ спорт мажмуаси мавжуд.

Бу ерда яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш, ушбу полигон нафақат куч тузилмалари вакилларининг маҳоратини оширишга, балки ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақириққача ҳарбий тайёргарлигини оширишга ҳам хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

# Vatanni himoya qilishning o‘zi bir baxt

**Dilnura ABSALOMOVA,** Toshkent davlat yuridik universiteti 2-kurs talabasi.

**Yuqoridagi mavzuga qarab ko‘pchilik hayron bo‘lishi mumkin. Ammo “Guruch kurmaksiz bo‘lmaydi”, deganlardek, hozirgi kunda to‘qlikka sho‘xlik qilib, armiyada xizmat qilishga shunchaki mas’uliyatsizlik bilan yondashayotganlar ham yo‘q emas, albatta. Buning esa o‘ziga yarasha sabablari bor.**

Bilamizki, barcha ota-onalar o‘z farzandlariga Vatan tuyg‘usi, jasurlik, sadoqat kabi tuyg‘ular haqida tushunchalar berishadi. Bunga sabab esa, ularning yoshligidan boshlab Vatanga va o‘z yaqinlariga mehr berish kerakligini o‘rgatishdir. Negaki, Vatan – bu jannatmakon yer hamda biz o‘zimizni erkin his qilishimiz mumkin bo‘lgan yagona maskandir. Biz uchun eng bexatar, ulug‘, manfaatlarimiz uchun harakatda bo‘ladigan, e’zozlashimiz hamda himoya qilishimiz kerak bo‘ladigan joy Vatandir. Bunda eng avvalo, yurtimiz posbon-qo‘riqchilarining hissasi ulkan. Shu bois, aksariyat ota-onalar ularning ham farzandlari harbiy xizmatga borishini istashadi.

Harbiy xizmat tushunchasiga keladigan bo‘lsak, bu fuqarolar tomonidan Qurolli Kuchlar safida umumiy harbiy majburiyatni bajarish borasidagi davlat xizmatining alohida turidir. Harbiy xizmatning muddatli harbiy xizmatga chaqirish yoki kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga kirish, safarbarlik chaqiruvi zaxirasidagi xizmatga olish, harbiy lavozimga tayinlash va uni bajarish, harbiy unvon berish, haqiqiy harbiy xizmatdan bo‘shatish, rezervdagi xizmatga olish, harbiy xizmatga majburlarni iste’foga chiqarish kabi turlari mavjud.

Shular orasidan ko‘pchilik muddatli harbiy xizmatga chaqirish yoki kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatga kirishni tanlashadi. Bunda, muddatli harbiy xizmat – chaqiruv yoshidagi fuqarolarning oddiy askarlar lavozimlaridagi, shuningdek, muqaddam harbiy xizmatni o‘tamagan ofitserlarning O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlarida belgilangan muddat mobaynida Qurolli Kuchlar safidagi majburiy xizmati degan ma’noni anglatadi. Kontrakt bo‘yicha harbiy xizmat – davlat bilan harbiy xizmat nazarda tutilgan vazirlik o‘rtasida tuziladigan kontraktga binoan ixtiyoriy ravishda Qurolli Kuchlar safidagi haqiqiy harbiy xizmatga kirgan fuqarolar o‘taydigan xizmat turidir.

Harbiy xizmatning aynan shu ikki turini ko‘p tanlanishi sababi shundaki, ko‘pchilik bolalar ota-onasining qistovi bilan yoki institutga kirish uchungina armiyaga borishadi. Hattoki, shunday bolalar borki, ular o‘zlari qiziqmagan soha bo‘yicha o‘qishadi. Chunki ularning nazarida faqat diplom bo‘lsa kifoyadek. Achinarli tomoni shundaki, ba’zi bolalar armiyaga faqatgina imtiyoz uchungina borishadi. Muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarga O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibi to‘g‘risidagi nizom mavjud. Mazkur nizom O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 31-maydagi “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o‘tab bo‘lgan fuqarolarga imtiyozlar tizimini takomillashtirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq, muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarga O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim muassasalariga o‘qishga kirish uchun tavsiyanomalar berish tartibini belgilaydi.

Imtiyozga ko‘ra, respublikaning oliy harbiy ta’lim muassasalaridagi tegishli ta’lim yo‘nalishlariga o‘qishga kirishda test sinovlari natijalariga ko‘ra, o‘zlari to‘plagan ballarining 50 foizi miqdorida qo‘shimcha ballga ega bo‘lishlari, respublikaning oliy ta’lim muassasalari (oliy harbiy ta’lim muassasalari bundan mustasno) bakalavriatiga o‘qishga kirish uchun oliy ta’lim muassasalariga qabul parametrlaridan tashqari ajratiladigan alohida qabul ko‘rsatkichlari doirasida tanlovda ishtirok etish huquqiga ega bo‘lishlari mumkin. Suhingdek, O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o‘tagan fuqarolarga berilgan tavsiyanomalar, ular berilgan sanadan boshlab uch yil mobaynida amal qiladi.

Ushbu imtiyoz ularga ko‘plab yo‘llarni ochib berishi mumkin, qachonki, undan unumli foydalanishsa. Ammo inson o‘zi qiziqmagan sohada na o‘sib ulg‘ayadi, na uni davom ettira oladi. Shundaylar armiyaga faqat imtiyoz ya’ni, lgota olish uchungina borishadi. Ular o‘z kelajagi haqida qayg‘urishmaydi. Ota-onalar qanchalik o‘z farzandlariga armiyada qolib ishlash, qo‘shimcha bilim va tajriba orttirish kerakligi hamda Vatanga sadoqat bilan xizmat qilish faxrli ekanligini aytishsa-da, aksariyat yigitlar bunga e’tibor ham berishmaydi. Ammo Vatanni himoya qilishdek muhim vazifani bajarishning o‘zi bir baxt emasmi?

Bilamizki, dunyoning turli hududlarida ro‘y berayotgan terrorchilikning yovuz ko‘rinishlari tobora kuchayib bormoqda, ya’ni, begunoh odamlarning o‘lishi, bosqinchilik va turli turar joy va binolarning buzilishi hamda portlashi kabilar. Ayni shunday vaqtda kimlar yoki qaysi kasb egalari mamlakatni vayronakorlikdan qutqarib qolishi mumkin deb o‘ylaysiz? Bular haqiqiy Vatan posbonlari ya’ni, harbiylar emasmi?

Shunday ekan, hozirgi ayrim yoshlarning armiya xizmatiga e’tiborsiz bo‘lishlarini oqlash mumkin emas. Ularning nazdida armiyaga shunchaki borish va o‘zlari qiziqmagan soha bo‘yicha bo‘lsada diplom olish kerak. Chunki o‘sha “ayrim erkatoy yoshlar” faqatgina ko‘ngilochar joylarga borish, do‘stlari bilan ko‘rishish, ular bilan vaqtlarini besamar o‘tkazish haqida o‘ylashadi. Ammo kuni kelib ular bir oilaning boshlig‘i bo‘lishadi, shunda o‘z farzandlariga qay darajada tarbiya va bilim berishi mumkin? Hozirgi o‘g‘il bolalar mana shunday holat va vaziyatlarni gohida tushunishadi, gohida esa yo‘q. Inson o‘zi xohlagan yo‘nalish bo‘yicha o‘qib-o‘rganishi va uni takomillashtirib, butun jahon bo‘yicha boyitishi va o‘zi hamda yaqinlarining orzu-umidlarini amalga oshirishi kerak.

Ba’zi yigitlar haqiqiy hayot qanday bo‘lishini tushunishmagani uchun ham armiyada qolib ishlash qanchalik ulug‘ va mas’uliyatli vazifaligini bilishmaydi. Ota-bobolarimiz aytganidek, “Besh qo‘l barobar emas”. Shunday ekan, shu holatlar ustidan ham chora-tadbirlarni ko‘rish kerak. Ayni vaqtda yigitlar armiyada qolib, Vatanga xizmat qilish o‘rniga yengiltaklik va oson yo‘llar bilan pul topishga harakat qilishadi.

Fikrimning dalili sifatida aytadigan bo‘lsam, yaqinda bir qarindoshimiz uyimizga keldi. Ular farzandlarinining qiziqishlariga qarab oliy o‘quv dargohlarida o‘qitish niyatida ekan. Ularning to‘ng‘ich o‘g‘li esa o‘qishning o‘rniga, do‘stlari bilan shunchaki vaqtni behuda sarflarkan. Shunda ota-onasi Vatanimizning faxri bo‘lar degan umidda uni armiyaga jo‘natishga qaror qilishgan. Ammo u armiyada qolishdan voz kechibdi. Bu bilan aytmoqchimanki, hozirgi vaqtda eng global muammolardan biri – bolalarning hali ham o‘z oldilariga aniq maqsad qo‘ya olmasligidir. Ular maqsad sari yurishdek orzu va qiziqishlarga ega emas. Bunday bolalarni o‘zining mustaqil fikriga ega emas, deb aytishimiz mumkin. Ya’ni, ular faqat atrofidagilarning fikri va tushunchasi bilan yurishadi.

Hozirgi yoshlarni harbiy xizmat va shu kabi oliy o‘quv maskanlariga qiziqtirish maqsadida ko‘plab oliy harbiy ta’lim muassasalari ochilib, yurtimiz harbiylariga ko‘plab e’tibor ham berilmoqda.

Ushbu maqolani yozishimdan maqsad shuki, hozirgi davr farzandlarining harbiy bo‘lish qanchalik baxt ekanligini tushunib yetishlariga biroz bo‘lsada yordam berishdir. Inson tug‘ilishi bilan o‘z Vatani tomonidan himoya qilinadi va ulg‘aygach, undagi vazifalar o‘zgaradi. Ya’ni, himoya qilish shu inson vazifasiga aylanadi. Xulosa qiladigam bo‘lsam, qonunga zid bo‘lmagan holatdagi har qanday yo‘llar bilan bo‘lsa hamki, hozirgi davr yoshlarini armiyaga qiziqtirish kerak.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Шукруллобек Жаҳонгиров, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-137.
1742 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни –
Топширилди – 23.30. 1 2 3 4 5 6